O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 8 январь, №5 (3279) Пайшанба

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРИ

*Осиё тараққиёт банки халқаро молия ташкилотлари орасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг энг йирик инвесторларидан бирига айланди*

2003 йил охирида Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Ўзбекистон Республикасига қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун умумий қиймати 99,2 миллион АҚШ долларига тенг иккита кредит линиясини очишга қарор қилди: "Аму-Занг машина каналлари тизимини тиклаш" — 73,2 миллион АҚШ доллари ва "Бошоқли экинлар ҳосилдорлигини ошириш" — 26 миллион АҚШ доллари.

ОТБнинг Ўзбекистонга ажратган кредитининг умумий ҳажми 1 миллиард 340 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, 14 қўшма лойиҳани амалга оширишни назарда тутади. Шундан 745 миллион АҚШ долларига тенг кредит бугунги кунда амалда тасарруф этилмоқда. Бу билан ОТБ мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритаётган бошқа халқаро молия ташкилотларидан ўзиб кетди.

"Аму-Занг машина каналлари тизимини тиклаш" лойиҳасининг мақсади Аму-Занг ирригация тизимининг мустаҳкамлиги, самарадорлиги ва барқарорлигини оширишдир. Бу тизим Амударёдаги насос станцияларини ўз ичига олиб, Сурхондарё вилоятида 100 минг гектар майдонга сув етказиб беради, вилоятдаги 400 минг кишининг турмуши асосан суғориладиган деҳқончилик билан боғлиқ.

Лойиҳа доирасида учта асосий насос станцияси — Бototoғ, Аму-Занг 1 ва Аму-Занг 2 ни реконструкция қилиш, тизимдаги барча станциялар насослари самарали ишлатилишини таъминлаш кўзда тутилган.

Аму-Занг каналининг магистрал ирригация ва дренаж тизимини режали таъмирлаш ва тиклаш (асосий каналларнинг айрим қисмлари, гидроиншоотларни тиклаш, соҳилни бетонлаш) сув ўтказиш имкониятларини ошириш ҳамда сувнинг унумли ва ўз вақтида тақсимланишига йўналтирилган.

Лойиҳа хусусий фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари, қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш ва маҳсулот маркетинги бўйича хизмат кўрсатадиган агросервис марказларини ташкил этиш ҳамда кенгайтиришга мақсадли кредитлар ажратиш учун тижорат банкларига алоҳида кредит линияси тақдим этилишини назарда тутади.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, лойиҳанинг амалга оширилиши бу ҳудудда пахта ҳосилдорлигини ўртача 22 фоиз, ғалла ҳосилдорлигини 26 фоиз ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини беради.

"Бошоқли экинлар ҳосилдорлигини ошириш" лойиҳасининг мақсади Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги турли агроэкологик ҳолатларда хўжалик юритишнинг бозор шароитларида бошоқли экинлар етиштиришнинг барқарор ўсишига кўмаклашишдан иборат. Лойиҳани амалга ошириш натижасида қуйидагилар кўзда тутилмоқда:

— Андижон ва Ғаллаорол илмий-тадқиқот институтларини буғдойнинг элита ва суперэлита навларини яратиш учун зарур лаборатория ускуналари ва техника билан жиҳозлаш, бешта туманни уруғларни синаш ва сертификатлаш учун лаборатория ва иссиқхона ускуналари билан жиҳозлаш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш;

— Ўсимликларни муҳофаза қилиш институти ва учта туманни касаллик ва зараркунандаларни олдиндан аниқлаш техникаси ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш;

— Жиззах вилоятининг Зомин тумани, Самарқанд вилоятининг

(Давоми 2-бетда).



*Бугунги кунда кундалик ҳаётимизни табиий газсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис республикамизнинг энг олис қишлоқларида ҳам аҳоли хонадонларини газлаштириш тадбирлари жадал олиб борилмоқда. Бу борада «Фарғона газ таъминоти» шўъба корхонаси ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, унинг Охунбобоев тумани филиалида аҳолига газ етказиб берувчи 708,2 километрлик юқори, ўрта ва паст босимдан иборат газ тармоқлари мавжуд. Ўтган йили эса 10 чақирим масофага газ қувурлари тортилиб, 219 хонадон янгидан газлаштирилди. Айни пайтда 11 мингдан ортиқ газ ҳисоблагичлари ўрнатилди.*

**СУРАТДА: «Фарғона газ таъминоти» шўъба корхонасининг Охунбобоев тумани филиали чилангари Ҳамидулла Назиров.**

**М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

## Маърифат соати

***Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Конституциямизнинг 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузасида ниҳоятда гўзал ва ҳикматли бир иборани айтиб ўтдилар. Бу «Обод маҳалла, аввало, обод кўнгилдан бошланади», деган теран маънавий-фалсафий мазмунли ибoрадир.***

***Дарҳақиқат, инсон кўнглининг маънавий, ахлоқий ободлиги — ҳаётнинг файзи, жамиятнинг кўрки. Жамиятда обод кўнгилли инсонлар қанча кўп бўлса, у шу қадар етук, баркамол ва баракали бўлгай.***

## Юрт ободлиги — муруввватдан

Аслида, халқимизнинг ўзи дунёда энг кўнгли обод, нияти пок, бунёдкор табиатли халқлардан биридир. Бу халқ қадимдан ҳатто нон ушоғини хор қилмаган, дарё ва ариқдаги оқар сувни булғамаган, эшигига қулф осмаган, бошқаларга ишонган. Бу халқ фарзандлари уйи бўсағасини тоза тутмай яшай олмайди, етим-есирнинг ёнидан лоқайд ўтиб кета олмайди. Дўпписига сув олиб келиб суғоришга мажбур бўлса-да, тақир ерни обод қилади. Ёши улуғларнинг қаршисида қўли кўксида, хизматида. Ота-оналарнинг меҳри-ғамхўрлиги ва оқ сутини оқлашни инсоний бурчи деб билади. Бир иш бошласа эл дуосини олади, иморат қурса, пойдевори тоза бўлишини, албатта, ўйлайди. Савдода инсофли бўлишга, бировнинг ҳақини емасликка интилади. Бизда ночор одамларни ташлаб қўйишмайди... Бу санаганларимиз миллий феъл-атворимизнинг юздан, мингдан бир белгилари, холос. Бу белгилар — халқимиз кўнглининг ободлиги жилоларидир. Афсуски, ҳар бир халқда бўлганидай, бизда ҳам диёнатсиз, инсофсиз, бемеҳр, кўнгли мурувват-меҳр нурларидан бебаҳра кимсалар топилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда эл кўнглининг ободлигига катта эътибор қаратилди. Ҳатто бу давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Дини ислом эътиқодларига йўл очилганлиги, шўро тузумида унутилган ёки оёқости қилинган табаррук қадамжолар обод қилинаётганлиги, Ватанимиз ва халқимиз орномуси, мустақиллиги учун курашиб шаҳид кетганларнинг ётган жойлари маҳобатли ва файзли зиёратгоҳларга айлантирилганлиги, кайфи сафога йўл очадиган 9 май — Ғалаба кунининг Хотира ва Қадрлаш куни деб қайта инсоний номланганлиги, ҳар бир йилимиз Президентимиз томонидан Инсон қадр-қиммати, манфаатлари, саломатлиги, турмушининг фаровонлиги, ҳаётининг ободлиги мақсадларига хизмат қилдирилиб, шу мақсадда улкан миқёсдаги давлат дастурлари қабул қилиниб, амалга оширилаётганлиги — булар ҳаммаси — элимиз кўнглининг ободлик сари янада чуқурроқ юз тутишига хизмат қилмоқда ва хизмат қилаверади.

Президентимиз мамлакатда савобли ишларни кўпайтиришга, ҳар кун бир савобли қадам ва амал билан безаниши учун саъй-ҳаракат қилишга ҳар бир ватандошимизни даъват этиб келмоқдалар. Савобли ишлар эса маънавий обод кўнгиллар манбаида туғилади. Савобли ишларни одатга айлантирган ватандошларимиз оз эмас ва уларнинг сони кўпаймоқда. Фарзандларимиз учун мактаблар қураётган ва мактабларни таъмирлаётган, чойхоналар, йўллар, қишлоқ врачлик пунктларини бино этаётган, меҳрибонлик ва ногиронлик уйларини ҳомийликка олаётган, энг яхши ўқувчилар ва талабаларни рағбатлантираётган ва бошқа кўплаб кўп хайрли ишларни бажараётган юртдошларимиз — фермерлар, тадбиркорлар ана шундай инсонлардир. Улар обод кўнгилли зотлардир.

Бошланган 2004 йилда — Меҳр ва мурувват йилида янги давлат дастури қабул қилинади, мамлакатни обод ва эл ҳаётини фаровонлаштириш учун, насиб этса, ғоятда кенг кўламли ишлар амалга оширилади. Бунда давлатимиз билан бир қаторда жамият аъзолари, жамоатчилик ва нодавлат ташкилотлари, бизнесмен бирoдарларимиз ва ҳар биримизнинг зиммамизда янгидан-янги савобли бурчлар туғилади. Кўнгилларимиз қанчалик обод, меҳр-мурувватли? Бошланган Меҳр ва мурувват йили ана шунинг синовидир ва майдонидир. Кўнгил обод бўлса — ҳаёт гуллайди, юрт обод бўлади. Чунки обод кўнгил эзгуликлар, бунёдкор меҳнат, Ватан ва халқ равнақи учун фидойиликлар гўшасидир.

**М.САФАРОВ.**

## МУҲИМИ — СИФАТ

Ўзбекистон ва Швейцариянинг "Олоттекс" қўшма корхонаси ўз фаолиятининг дастлабки ярим йиллигида 809 минг погон метр дағал газламаларни импорт қилди.

— Корхонамиз 2003 йилнинг ёзида иш бошлади, — деди қўшма корхона раҳбари Жуманазар Абдуназаров "Туркистон-пресс" мухбири А. Қудратовга. – Унинг низом жамғармаси 9 миллион 402 минг доллар. "Бухоротекс" акциядорлик жамияти ва Швейцариянинг "Виматекс" компаниялари унинг муассислари бўлишди.

Айтиш керакки, қўшма корхонага Швейцариянинг "Зулцер Рути", Германиянинг "Трюштлер" ва Чехиянинг "Элиттекс" фирмаларида тайёрланган ускуналар ўрнатилди. Қўшма корхона йилига 2 минг 959 тонна калава ва 6 миллион погон метр газлама ишлаб чиқариш қувватига эга.

## ҚАМАШИ ПАХТАСИ — ХОРИЖГА



***ҚАШҚАДАРЁ (ЎзА мухбири Фахриддин БОЗОРОВ).***

"Қамаши пахта тозалаш заводи" акциядорлик жамияти ўтган йили ширкат ва фермер хўжаликларидан йигирма тўрт минг тонна пахта қабул қилиб олди. Шу кунга қадар хомашёнинг 12 минг 600 тоннаси қайта ишланиб, 4 минг 284 тонна экспортбоп тола олинди.

— Тайёрланган тола Швейцария, Англия, Жанубий Корея каби давлатларга экспорт қилинмоқда, — дейди жамиятнинг бош муҳандиси Шомирза Жалилов. — Бундан ташқари, пахта чиқити — линтни Хитойга сотяпмиз.

### Пойтахтимизда



## ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қуролли Кучларимизда миллий армиямиз ташкил этилганининг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Энг яхши сержант", "Энг яхши гуруҳ командири", "Энг яхши взвод командири" ҳамда "Энг яхши батальон командири" танлови қизғин давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинларида танлов муваффақиятли ниҳояланди. Унинг якунловчи қисмида дастлабки босқичларда ғолиб чиққан ўттизга яқин ҳарбий иштирок этди.

— Сержант ва офицерлар қисқа ва узоқ масофага югуриш, саф тайёргарлиги, қуролдан фойдаланиш, ўқ отиш, умумий ҳарбий низом ҳамда маънавий-сиёсий тайёргарлик бўйича билим ва маҳоратини намойиш этди, — дейди қоровул қўшинлари шахсий таркиб билан ишлаш бўйича бошқарма бошлиғи, полковник Муид Фозилов. — Танлов ҳарбийларимизнинг руҳий-жанговар шайлиги тобора юксалиб бораётганлигидан далолатдир.

— Спорт билан қанча кўп шуғуллансак, ҳарбий машғулотларни ўзлаштиришимиз ҳам шунча осон кечади, — дейди сержант Жамшид Тожиев. — Шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбийлар орасида "Энг яхши сержант" деган номга сазовор бўлишимга ҳам спортга иштиёқим баландлиги сабаб бўлди, деб ҳисоблайман.

Танловда лейтенант Насимбек Пайгамов қоровул қўшинларида 2003 йилнинг "Энг яхши гуруҳ командири", катта лейтенант Шарофиддин Усмонов "Энг яхши взвод командири", подполковник Бектурди Полвонов эса "Энг яхши батальон командири" деб топилди.

Улар энди танловнинг Қуролли Кучларимизнинг барча қўшин турлари бўйича ўтказиладиган якунловчи босқичида иштирок этади.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

### Жойлардан хабарлар

## Сержантлар мактабида тантана

**Мамлакатимиз Қуролли Кучларига салоҳиятли ходимлар тайёрлашда Наманган вилоятидаги сержантлар мактабининг ўзига хос ўрни бор. Юртбошимизнинг ўтган йил баҳоридаги ташрифидан сўнг бу ерда катта ўзгаришлар бўлди. Шахсий таркиб машғулотлари самарадорлигини таъминлаш баробарида маиший турмуш шароитини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги йил байрами арафасида фойдаланишга топширилган 16 хонадонли турар-жой биноси ва 76 ўринли ётоқхонани эса бўлажак сержантлар ажойиб туҳфа сифатида қабул қилишди.**

**Меҳр ва мурувват йили аввалида шинам ва замонавий хонадонларда уй тўйи ўтказган зобит ва сержантларнинг қувончи чексиз.**

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ.**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мўл ҳосил гарови

**Андижон вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати туфайли соҳага дахлдор қатор ташкилотлар «Грециянинг «Эмкат» компанияси билан ҳамкорликда «Андижончигит» қўшма корхонасини ташкил этишга келишдилар. Бунинг учун Андижон туманида кўп йиллардан буён фаолият кўрсатмай қўйиган Найман пахта тайёрлаш пункти танлаб олинди. Унинг ҳудуди корхона тасарруфига ўтказилди.**

**Шу кунларда бинокор ва созловчилар Европа Иттифоқига кирувчи мамлакатларнинг етакчи корхоналарида ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналарни жадал ўрнатмоқдалар. Баҳорги дала ишлари бошлангунга қадар деҳқонлар эҳтиёжига яраша сифатли уруғлик тайёрлаш йўлга қўйилади.**

**О.ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Номзодлар сараланади

**Фарғоналик талабалар Самарқандда ўтказиладиган «Универсиада — 2004» мусобақаларига тайёргарликни ҳар йилгидан эрта бошладилар. Вилоятда тўртта олийгоҳнинг 700 дан зиёд талабаси Қиргули мавзесидаги спорт мажмуаларида мусобақанинг вилоят босқичига киришиб кетишди.**

**Уч кун давом этадиган мусобақада вилоятнинг терма жамоасига номзодлар танланади. Мусобақа муассислари мазкур саралаш ўйинлари ғолибларига кубоклар, қимматбаҳо совғалар ҳам тақдим этишади.**

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Барқарорликнинг асоси

**Ўзбекистон Миллий университетида Халқаро толерантлик куни ва профессор Л. В. Генштекенинг 90 йиллигига бағишланган «Бағрикенглик — жамият барқарорлигининг асоси» мавзуидаги илмий-амалий анжуман бўлди.**

**Республикамизнинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва ЎзМУ томонидан ташкил этилган анжуманда бугунги кунда ижтимоий-гуманитар фанларнинг бағрикенглик қадриятларни тарғиб этишдаги ўрни, миллатлараро тотувлик—жамият барқарорлигининг асослари ва бошқа мавзуларда маърузалар тингланди.**

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қарор ва ижро

*Сариқўрғонни Фарғона водийсининг «чўнтак қишлоғи» дейишади. Сўнгги йилларда шу қишлоқнинг ўсмирлари, балоғат ёшига етиб қолган йигитчалари ўртасида турли хил жиноятлар, қонунбузарликлар, ҳуқуқбузарликлар кўзга ташланиб қолди. Бу ҳолат Учкўприк туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясини ташвишга солди. Ҳокимликнинг бевосита раҳбарлигида бу чекка қишлоқдаги ижтимоий муҳит, маҳалла фуқаролар йиғинининг фаолияти, айниқса, қишлоқ ўрамида жойлашган 46-мактабдаги ҳолат чуқур ўрганилди.*

## Назоратсиз қолган бола

жиноятга қўл уради

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда қишлоқдаги болалар, ўсмирлар назоратдан, кўздан қочирилган экан. Биргина мисол. Биз юқорида тилга олган мактабнинг юқори синф ўқувчилари Абдуҳамид Жўраев ва Хайрулло Қурбоновлар ўғрилик қилиб, жиноят устида қўлга тушди. Уларнинг қилмишларига суд муносиб жазо белгилади. Шу билан қишлоқнинг, бу ўспиринлар вояга етган оилаларнинг пок номларига доғ тушди.

— Билиб-билмай қилган ножўя ҳаракатим нафақат менинг шаънимга, оилам номига, балки бутун қишлоғимиз нуфузига иснод келтиришини кеч тушуниб етдим, — дейди Хайрулла Қурбонов. — Қонунларимиз вояга етмаган ёшларга нисбатан анча-мунча енгиллик берар экан. Шу туфайли ҳам менга икки йиллик синов муддати билан жазо белгилашди. Ҳозир оила аъзоларим, қолаверса, комиссия назоратидаман.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорини дастуриламал деб билган Учкўприк тумани ҳокимлиги бу борада қатор ибратли тадбирларни амалга оширяпти.

Фақат сўнгги йилларнинг ўзида ота-она қарамоғидан мосуво бўлган 42 нафар ўспириннинг 12 нафарига ҳомийлар белгиланди, 30 нафарига эса васийлар тайинланди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож 40 нафар етим-есирга имтиёзли нафақалар бериладиган бўлди. Ота-она қарамоғида бўлган, лекин ўзининг ножоиз хулқ-атворлари билан эътибордан қолган, мактабларда дарсларга қатнамай, дарслик етишмаслигини баҳона қилган 1272 та болаларнинг барчаси бепул дарсликлар, қишки кийим-кечаклар билан таъминланди.

Комиссия бевосита туман халқ таълими бўлими билан бамаслаҳат, ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги ўз самарасини беряпти. 2003 йилнинг 9 ойи давомида ҳокимлик қошидаги васийлик ва ҳомийлик комиссияси тумандаги 52 та умумтаълим мактаби, 37 та мактабгача

(Давоми 2-бетда)

# Назоратсиз қолган бола

**жиноятга қўл уради**

(Давоми. Боши 1-бетда).

таълим муассасаси ҳамда 5 та мактабдан ташқари билим даргоҳининг фаолиятини ўрганиб чиқди. Шу ерларда таълим олаётган етим болалардан 14 нафари васийликка олинган бўлса, 5 нафарига ҳомийлар тайинланди. 11 нафар бола фарзандсиз оилаларга қонуний йўл билан фарзанд қилиб берилди. Тарбияси ниҳоятда оғир 4 нафар бола вилоятдаги махсус мактаб-интернатга юборилди.

Болалар, ўсмирларни назоратсиз кўча чангитиб юришларига барҳам бериш учун Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганлиги муҳим омил бўлди. Бевосита ҳомий ташкилотларнинг ёрдамида тумандаги 7 та мактабнинг спорт зали мукаммал таъмирланиб, энг нуфузли мусобақаларни ҳам ўтказса бўладиган даражада жиҳозланди. Ботирхўжа маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари ташаббуси билан 336-мактаб ҳудудида қурилган теннис кортига мамлакатимиз пойтахтидан ташриф буюрган мутахассисларнинг ҳаваси келди. Ҳозирги кунда тумандаги 8 та мактаб ҳамда «Зиё» лицейида худди Ботирхўжа қишлоғидаги каби теннис кортлари қурилиши ниҳоясига етказиляпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида мактабларни таъмирлаш, спорт иншоотлари қуриш, эскиларига замонавий тус бериш учун 87 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шу маблағнинг 45 миллион сўмини ҳомийлар ўз зиммасига олди. Салкам 4 миллион сўмни эса ота-оналар мактабларга ҳадя қилишди.

Яқин вақтларгача 9-синфни битириб, ўқишни давом эттириш истагини билдирган ёшларнинг қандай юмушлар билан машғул бўлиб юришгани билан деярли ҳеч ким қизиқмасди. Энди бу муҳим иш назоратини ҳам вояга етмаганлар ишлари бўйича туман комиссияси амалга оширмоқда. Ўтган йил якунланган ўқув йилида тумандаги мактабларнинг 9-синфини 4000 дан зиёд ўқувчи тамомлади. Хўш, бугунги кунда улар нима билан шуғулланишяпти? Бу саволга ҳам комиссиядан аниқ жавоб олиш мумкин. Уларнинг салкам 3 минг нафари ўқишни давом эттириш истагини билдирган бўлса, 900 таси касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таълим олмоқда. 100 нафари турли соҳаларда ишларга жалб этилган бўлса, 96 нафар ўсмир шогирдликка берилди. Шу тариқа эндигина катта ҳаётга кириб келаётган ўсмирларнинг барчаси ўқиш, меҳнат қилиш, касб эгаллаш ишлари билан банд бўлди.

Комиссия юқори синфларда таълим олаётган ўқувчиларнинг ҳам тўғри шаклланиши, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашмоқда. Ҳозирги кунда туманда 5 та мактабдан ташқари, муассаса фаолият кўрсатяпти. Бу муассасалардаги 40 та тўгаракка 2200 нафардан зиёд бола жалб қилинган. Бундан ташқари, техник-ижодиёт марказида 560 нафар, ёш табиатшунослар ва экология марказидаги 17 та турли-туман гуруҳларда салкам мингга яқин бола машғулотлар билан мунтазам шуғулланяпти.

Амалга оширилаётган бу тадбирлар ўз самарасини беряпти. Мамлакатимиздаги турли ўқув муассасаларида таълим олаётган учкўприклик талабалар сонининг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Давлат тест марказининг Фарғона вилояти бўйича таҳлиллари ҳам шундан далолат беради. Агар бундан тўрт йил аввал республикамиздаги олий ўқув юртларига 167 нафар учкўприклик ўқувчи тест синовларини муваффақиятли топширган бўлса, 2002 йилга келиб, бу кўрсаткич деярли 3 бараварга ортди. Ўтган йил 478 та учкўприклик ўқувчи талаба бўлди.

Комиссия нафақат ўсмирлар, ёшларнинг кундалик турмушлари, уларнинг ҳаётлари, эртанги кунлари билан қизиқиб қолмай, йўл қўйилган камчиликларни аниқлаб, бартараф этиш чораларини ҳам излаяпти.

— Туманда вояга етмаган ёшлар билан ишлашнинг аҳволини ўрганиб чиқдик, — дейди Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг масъул котиби Иброҳимжон Рашидов. — Ибратли ишлар талайгина, ютуқлар кўп. Лекин биз эътиборни фойдаланилмай ётган имкониятларни ҳаракатга келтиришга қаратдик. Тумандаги мактабларни дарслик билан таъминлаш 65 фоизни ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, салкам 140 минг дона дарслик етишмайди. Бу ҳолат вилоят комиссияси йиғилишида муҳокама қилиниб, туман ҳокимлигига, ҳомий ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳақида тавсиялар берилди. Мактабларда таълим бераётган ўқитувчиларнинг деярли 35 фоизи ёки 1358 нафари ўрта махсус маълумотга эга. Уларнинг фақат 67 таси олий ўқув юртларида сиртдан таълим олаяпти. Ўтган йил 138 нафар ёш мутахассис муаллимлар сафига келиб қўшилган. Бу эса эҳтиёжнинг фақат 10 фоизини қоплайди. Демак, бу борадаги муаммо ҳам туман ҳокимлигини, айниқса, халқ таълими бўлимини жиддий ташвишга солиши лозим.

Ёш ниҳол мўрт бўлади. Уни тўғри парваришлаш, турли офатлардан, бало-қазолардан асраш эса боғбонларга боғлиқ. Мурғак қалбларни авайлаб-асраб, парваришлаб, келажаги порлоқ юртимиз учун муносиб ворислар қилиб тарбиялаш эса бевосита мана шу талабчан устозлар, ҳушёр ота-оналарнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Оролбўйига инсонпарварлик ёрдами

**Тошкент темир йўл вокзалидан Қорақалпоғистон Республикасига навбатдаги "Экосан" саломатлик ва мурувват поезди жўнатилди. Унда ўттиз миллион сўмдан кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, дезинфекция воситалари, болалар учун спорт кийимлари ва бошқа истеъмол моллари бор.**

**"Экосан" меҳр-мурувват йўлида" мақсадли дастурига асосан мазкур инсонпарварлик ёрдами Экология ва саломатлик кунлари доирасида "Оролбўйи оналари ва болаларига" шиори остида ўтказилган умумхалқ экологик ҳашаридан тушган маблағ ҳисобига ташкил этилди. Бунда халқаро ташкилотлар, жумладан, Туркия халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги — ТИКАнинг ҳам кўмаги катта бўлди.**

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ХАТЛАР *сўзлайди*

## Меҳмон бўлинг «Бўстон»га



Чирчиқ дарёси ёқасида жойлашган «Бўстон» сиҳатгоҳига ташриф буюрсангиз, дилингиз завққа тўлади. Бу масканда беморларнинг мазмунли дам олишлари, даволанишлари учун барча шароит муҳайё. Ҳар бир дам олувчи билан самимий суҳбатлашиш, ширинсуханлик бу ернинг ходимларига одат. Бош шифокордан тортиб ҳамшираларгача — барча беморларни дарддан халос қилишга астойдил интилади.

— Сиҳатгоҳимизда беморларни доривор гиёҳлар билан даволашга алоҳида эътибор қаратилган,-дейди бош шифокор И.Набиева. — Дам олувчиларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари учун саёҳатлар, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг концертлари уюштирилади.

Ҳа, бу хушҳаво маскан ҳақида кўп гапириш мумкин. Аммо минг бора эшитгандан кўра, «Бўстон»га бир бора меҳмон бўлиб, уни кўрган афзал.

**Рўзимат ДАМИНОВ.**

## Ўзи бору номи йўқ

Бизнинг "Хожий" номли маҳалламиз Шаҳрисабз шаҳрининг юқори қисмида жойлашган. Кўчиб келганимизга 7-8 йил бўляпти, аммо кўчаларга ном берилмаган. Қиш кунлари лойгарчиликда қариялар, болаларнинг юриши, машина қатнови анча қийин бўлади.

Телефон хизматини йўлга қўйиш учун ҳам кўп марта ҳаракат қилдик. Маҳалла аҳли бу муаммоларни ҳал қилишда ёрдам сўраб, тегишли ташкилотларга бир неча бор мурожаат этишди. Афсус, натижа бўлмаяпти.

**Рустам КОМИЛОВ**
**ва бошқалар,**
**Шаҳрисабз шаҳри.**

## Ногиронлик айбми?

Мен биринчи гуруҳ ногирониман. Бир воқеа сабаб бўлиб сизларга мактуб йўллаяпман. Шаҳардан уйга қайтиш учун Ангрен — Бекобод йўналишидаги автобусга чиқдим. Йўлда ҳайдовчининг «ёрдамчиси» йўл ҳақини йиға бошлади. Имтиёзга эгалигим туфайли белгиланган нарх бўйича — бошқалардан камроқ пул бердим. Шунда йўловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларидан бехабар чиптачи ногиронлигимни юзимга солди, шаънимга ёмон гаплар айтди. Бу кўнглимга оғир ботди. Ахир одам имтиёзни деб ногирон бўлиб қолмайди-ку. Шундай экан, меҳр-оқибат, қадр-қиммат орамиздан кўтарилмаса, дейман.

**Бахтиёр ОРЗИЕВ,**
**Зафар шаҳарчаси.**

## Лоқайдлик

Мен Юнусобод туманидаги 7-мавзе 21-уйда яшайман. Кўп қаватли уйимизнинг кўпчилик хонадонларида иситиш тармоқлари ишдан чиққан. Уй-жой ширкати раҳбарлари бу муаммога турли баҳоналарни рўкач қилишмоқда. Иссиқликни узоқ қишлоқларга узатиш оғирроқ кечади, менимча. Лекин пойтахтда ҳам бундай ҳолни учратиш, мутасаддиларнинг лоқайдсизлигидан бошқа нарса эмас.



**Ҳамид ТОШХЎЖАЕВ,**
**Юнусобод тумани, 7-даҳа.**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Каттақўрғон тумани ва Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида хусусий фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалик техникасини ижарага бериш, уларни ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, маркетинг ва маҳсулот ташиш хизматларини кўрсатиш учун агросервис марказлари ташкил этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва гидромелиоратив техника билан жиҳозлаш.

Мазкур лойиҳанинг муҳим таркибий қисмларидан бири бошоқли экинларнинг янги районлаштирилган навларини яратиш ва кенг синовдан ўтказиш, уларни маҳаллий иқлим ва ирригация шароитларига мослаштириш, юқори навли дон маҳсулотлари етиштириш учун ҳосилдор ва яхши суғориладиган ерларни ажратишдан иборатдир.

Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу лойиҳа амалга оширилгач, мазкур ҳудудларда яшовчи 200 минг киши ижтимоий ва иқтисодий фойда кўради, яъни уларнинг даромадлари ортади, янги иш ўринлари яратилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси билан ОТБнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда.

Транспорт инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги, базавий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, коммунал хўжалик, кичик ва хусусий бизнес соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Фақат 2003 йилнинг ўзида базавий таълим, микромолиялаш, энергетика инфратузилмаси соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ОТБ ўртасида умумий қиймати 198,5 миллион АҚШ долларига тенг 4 та битим имзоланди.

Ўзбекистон ва ОТБ ўртасидаги ҳамкорлик кўлами янада кенгаймоқда. 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ОТБ 2004-2006 йилларга мўлжалланган қиймати 500 миллион АҚШ долларига тенг уч йиллик ҳамкорлик дастурини амалга ошириш борасида келишувга эришди. Бу дастур оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ичимлик сув билан таъминлаш, корхоналарни хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлаш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, энергетикада янги қувватларни ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган қўшма лойиҳалар амалга оширилишини назарда тутади.

Дастур томонларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш тамойилларига содиқлигини намойиш этади.

Марказий Осиёда илк бор 2003 йилнинг ноябрида Ўзбекистон пойтахтида барча етакчи халқаро молиявий ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган ОТБнинг минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича Вазирлар конференцияси Осиё тараққиёт банки билан ўзаро манфаатли шерикликни янги йўналишлар — тарихан қарор топган иқтисодий ҳамкорлик жараёнларини янада мустаҳкамлаш ва минтақа мамлакатлари интеграцияси масалаларини кенгайтириш бўйича янги имкониятлар очди.

ОТБнинг минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуси доирасида учта муҳим йўналиш: транспорт, энергетика ва савдо масалаларини ҳал қилишга қаратилган қўшма лойиҳаларни тайёрлаш ҳам кўзда тутилмоқда.

**(ЎзА).**



— Ҳорманг, — дейди йўловчи ишлаётган одамга. — Бор бўлинг, — дейди жавобан у ҳам. Ана шу икки сўз замирида бир ҳикмат борки, у ҳам бўлса асл одамийликдир. Жалолқудуқ тумани ҳокими Манзура Эгамова ҳам ана шу эзгу анъанадан мустасно эмас. Сиз суратда кўриб турганингиздек Манзура опа «Дўстлик» ширкат хўжалиги механизатори Эргашали Ғозиев ва Абдулҳамид Содиқовлар билан ҳорманг, бор бўлинг қабилида қишлоқ хўжалиги техникаларининг мавсумга шайлиги хусусида суҳбатлашяпти.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## «СЕРВЕР ИМПЕКС» ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Бухоро вилояти Бизнес марказининг доимий кўргазмасида Ҳиндистоннинг "Сервер импекс" компанияси технологиялари намойиш этилмоқда.

Кичик ва ўрта бизнес вакилларига мўлжалланган компания технологияларида печенье, шарбатлар, макарон, кетчуп тайёрлаш ва қадоқлаш мумкин.

Айни пайтда компаниянинг технологияларига кўпгина бухоролик тадбиркорлар қизиқиш билдиришмоқда.

**А. ҚУДРАТОВ,**
**"Туркистон-пресс" мухбири.**

# Йўл ёқасидаги ғишт

## Ёки ноқонуний ёнилғи савдосидан дарак берувчи бу белгини кимлар қўймоқда?

*— Одамлар миллион-миллион сўм сарфлаб, ёнилғи қуйиш шахобчаси қуриб юришибди-я. Бензинни шундоққина ҳовлида туриб сотса ҳам бўларкан-ку? Жазоси биттагина ғиштни йўл бўйига тиккалаб қўйиш. Уни кўрган харидор кечасими-кундузими дарвозангизни қоқиб, машинаси бакини тўлдириб кетаверади. Пулидан қочмаса бўлгани.*

Ярим ҳазил, ярим чин маънода айтилган бу гапларда жон бор эди. Шу боис назорат текширувлари ўтказдик. Биринчи бўлиб Тўрақўрғон шаҳрининг «Тошкент« маҳалласида яшовчи Рустам Исмоилов қўлга тушди. Қинғир-қийшиқ йўллар билан олган ёнилғисини бамайлихотир пуллаётган бу йигитнинг инсофсизлигини қарангки, у ҳар литри 255 сўм бўлган А-76 бензинни 1000 сўмдан ўтказар экан. Савдоси қизғин пайтда фаолияти тўхтатилган устомон шу кунларда уйига ғамланган ёнилғини қаердан ва кимдан олгани хусусида изоҳ беряпти. Наманган туманидаги Ғирвон қишлоғида яшовчи фуқаро Адҳам Дадахонов, янгиқўрғонлик Фазлиддин Абдуматовлар ҳам ҳовлиси рўпарасига ғиштдан белги қўйиб, ҳайдовчиларни қақшатаётганларида сирлари фош этилди.

Гоҳида юзага келаётган нефть маҳсулотлари танқислигидан фойдаланиб қолишга интилаётган бундай кимсалар фаолиятига чек қўйиш мақсадида ҳудудий солиқ идораларининг барчаси назоратни кучайтирмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ходимларимиз томонидан 73 ҳолатда ноқонуний ёнилғи савдоси аниқланиб, олғирлардан ёнилғи далилий ашё сифатида олинди.

Хўш, ёнилғи қуйиш шохобчаларида қатъий тартиб бўйича сотилиши лозим бўлган нефть маҳсулотлари қандай қилиб айрим шахслар қўлига ўтиб қолаяпти? Бунга, энг аввало, юқоридаги шохобчаларнинг масъулиятсиз операторлари сабабчи бўлишмоқда. Пулга тузоқ қўйган бундай таъминотчилар хатти-ҳаракатининг олдини олиш учун вилоят ҳудудидаги нефть базалари орқали қатъий назорат ўрнатилди.

**Солиқ интизоми — барчага баробар!**

Хусусан, Тўрақўрғон ва Уйчи туманларида жойлашган таъминот корхоналаридан кунлик тақсимот тўғрисида маълумот олиниб, чиқарилган маҳсулот белгиланган манзилда сотилиши, ундан тушган нақд пулларнинг банкка тўлиқ кирим қилинишини таъминлаш мақсадида уларга солиқ идорасининг махсус ходимлари бириктириб қўйилди. Натижада ёнилғи савдосидаги қоидабузарликлар кескин камайди.

Ўз фаолиятини қонунлаштирмай, солиқдан қочиб юрган тоифалардан яна бири — бу хусусий йўловчи ташиш транспорти эгаларидир. Уларнинг хизмат кўрсатишда йирик автокорхоналар билан рақобатга чиқаётгани яхши. Лекин бу юмуш, албатта, расмийлаштирилган бўлмоғи лозим. Аксинча, хизмат қиламан деб, хижолатда қолиш ҳеч гап эмас. Келинг, мисолларга мурожаат этайлик. Наманган шаҳрининг «Ўзбекистон» маҳалласида яшовчи Козим Холмирзаевдан «Йўлкира бунча қиммат?» деб сўрасангиз, «Бензинни фалон пулга олганман, солиғини тўлаганман, лицензия олганман» қабилидаги гаплар билан лоф уради. Аслида, айтганларининг ғирт тескарисини қилади. У 16 I 3067 рақамли «Дамас»ида на тегишли рухсатнома ва солиқ тўловларисиз шаҳарнинг у четидан бу четига чопганичопган. Ҳаққулободлик Камолиддин Усмоновдан ҳам ўз бошқарувидаги «Форд»-да қайси асосга кўра йўловчи ташиётганини суриштирсангиз, баланддан келади. Қарангки, аравани қуруқ олиб қочаётганлар орасида Наманган шаҳрилик Носир Холиқов, Бахтиёр Темирбоев, Қосим Аҳмаджонов, норинлик Мансур Камоловлар ҳам бор. Маълумотларга қараганда, бугун Наманган вилоятида 8 мингдан ортиқ микроавтобус ва енгил машина эгалари йўловчи ташиш билан машғул. Лекин уларнинг барида тегишли рухсатномалар борми, белгиланган тўловларни вақтида амалга ошираяптими? Бу саволга жавоб бериш қийин. Сабаби — салонига ўнталаб одам олиб, манзилга ошиқаётган хусусий транспорт воситалари эгаларининг кўпчилиги фуқаролик бурчини унутган. Йилнинг ўтган даврида олиб борган назорат текширувларида 2194 нафар хусусий автомашинанинг эгаси ҳужжатсиз киракашлик қилаётгани аниқлангани шундан далолат беради. Табиийки, солиқчини кўрса, қуённинг расмини соладиган бу шахсларга нисбатан 54 миллион 207 минг сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланиб, бюджетга ундирилди.

Тадбиркорлик — давр талаби. Бу фаолият билан шуғулланаман, деган кишига ҳукуматимиз томонидан кенг йўл очилиб, зарур шарт-шароитлар яратиб қўйилган. Фақат рўйхатдан ўтиш ва тегишли қоидаларга риоя қилиш лозим. Шунда якка тартибдаги фаолият билан рўзғор тебратиб, давлат хазинасига барака киритишга аҳд қилган ҳар бир инсон хотиржам ишлаб, хотиржам яшайди.

Шуниси эътиборлики, солиқ ходимлари олиб борган кенг кўламдаги тушунтириш ишлари оқибатида йилнинг ўтган ойлари давомида 13 минг 455 нафар тадбиркор солиқ идоралари рўйхатидан ўтиб, ўзи танлаган машғулот билан шуғуллана бошлади. Уларнинг ана шу муддат ичида маҳаллий бюджетга қўшган улуши 1 миллиард 478,6 миллион сўмни ташкил этди.

Солиқ интизомига риоя қилиш — фуқаронинг комиллигидан нишона. Бу юмушнинг уддасидан чиқаётган юртдошларимиз эса Ватан равнақи, халқимиз фаровонлиги, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси, эртанги кунимиз эгаларининг чинакам жонкуяриман, дейишга тамомила ҳақлидир.

**Алишер БОЙХОНОВ,**
**Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.**

## *Газетада босилмади, аммо...*

## Протест киритилди

Таҳририятга мактуб йўллаган Г.Янгибоева турмуш ўртоғи М.Жуманиёзов ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилгани ва суд ҳукмидан норози эканини ёзади. М.Жуманиёзов маст ҳолатда фуқаро Х.Усмоновага тажовуз қилганлиги ҳамда унга нисбатан жиноят содир этганлиги учун Мирзо Улуғбек туман судининг ҳукми билан беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилганди. Ушбу ҳукм жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг апелляция ҳайъатида кўрилган бўлса-да, ўзгаришсиз қолдирилган.



Газетамиз аралашувидан сўнг шикоят хати юзасидан Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари А.НИЯЗОВ имзоси билан келган расмий жавобда таъкидланишича, *тергов ва суд жараёнида М.Жуманиёзовнинг жабрланувчи Х.Усмоновага нисбатан суиқасд қилиш ҳолати жиноят процессуал қонуни талабларига тўла риоя қилинмаган ҳолда олиб борилганлиги аниқланган. Шу сабабли Тошкент шаҳар прокурори томонидан М.Жуманиёзовнинг жиноят иши бўйича чиқарилган суд ҳукми ва ажримига протест киритилганлиги маълум қилинган.*

*Миллий дастур ниҳоллари*

# Табақалаштирилган таълим

## уни қандай ташкил этиш мумкин?

*Ўзбекистон Республикаси халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган кўпгина ижобий ишлар умумий ўрта таълим мактабларида ишлаётган ўқитувчи ва ўқувчилар зиммасига айни вақтда масъулиятли вазифаларни юкламоқда. Шу вақтгача мактабларнинг асосий вазифаси ўқувчиларга бир хил дастур асосида умумий ўрта маълумот бериш эди.*

Бу ўқувчилар билим даражасининг пасайиши, ўз имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаслиги, келажакда бирор касбни танлашида ёки таълимни давом эттиришида иккиланишларни келтириб чиқарди. Ҳозир баъзи изланувчан ўқитувчиларимиз ўқувчиларнинг қобилиятига, билим даражасига қараб гуруҳларга бўлиб ўқитишни ташкил қилишмоқда. Бундай табақалаштириб ўқитишга ўтиш мумкинми? Мактабда табақалаштириб ўқитишни қандай ташкил қилса бўлади? Умуман, табақалаштириш деганда нимани тушунамиз? Унинг имкониятлари қандай?

Умумий ўрта таълим мактабларида табақалаштириб ўқитишга ўтиш мумкин. Унинг имкониятлари кенг. Масалан, дифференциялашган ёндашиш бир томондан ўқитувчининг мақсадига мувофиқ ишлаши учун, иккинчи томондан ҳар бир ўқувчининг билиш имкониятларидан самарали фойдалана олиш ҳамда уларни янада ривожлантириш учун зарурлигини англаб етиш керак бўлади. Табақалаштиришдан ташқари алоҳидалаштириш, алоҳида ёндашиш, табақалаштириб ёндашиш тушунчалари ҳам ишлатилади, буларни бир-биридан фарқлай олишимиз керак.

Кўпгина адабиётларимизда алоҳидалаштиришда ҳам, табақалаштиришда ҳам ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олиш кераклиги таъкидланади. Болаларни индивидуал ва табақалаштириб ўқитиш ҳамда тарбиялаш жараёнини ташкил қилишда мактаб психологик хизмати катта ёрдам беради. Унинг фаолияти таълим даври жараёнида ўқувчиларни психологик-педагогик ўрганишни яхшилаш, уларнинг қизиқишларини, интилишларини аниқлаш, айрим ўқувчиларнинг ўқишда орқада қолиш сабабларини ва уларнинг хулқ-атворларидаги камчиликларни ўз вақтида ўрганиш, уларни бартараф этишнинг энг самарали усулларини танлашни ўз олдига вазифа қилиб қўйиши лозим. Мактаб психологи ўз фаолиятини педагогик жамоа, мактаб раҳбарлари ҳамда ота-оналар билан яқин алоқада бўлиб амалга оширишы мақсадга мувофиқдир.

Табақалаштирилган таълимни ташкил этиш учун ўқитувчилар алоҳида тайёргарликка эга бўлишлари керак. Аввало, улар мактабда дарс беришни малака ошириш билан биргаликда қўшиб олиб боришлари лозим. Бундан ташқари педагогика, психология ва методикадан яхши хабардор бўлишлари даркор. Педагог кадрлар малакасини оширишда энг юқори босқич малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари фаолиятларини тўғри ташкил этилишида ифодаланади. Шуни таъкидлаш керакки, табақалаштириб ўқитиш бўйича малака ошириш мезонларини миқдорий математик жиҳатларини ишлаб чиқиш зарур. Бу ЭҲМларда ёки компьютерларда жуда қисқа вақтда ўқитувчилар савиясини баҳолаш имкониятини беради. Табақалаштирилган таълимни ташкил этишда, албатта, моддий техникавий база муҳим роль ўйнайди. Бундай таълимга ўтишни, назаримизда, уч босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Булар: тайёргарлик даври, ташкилий давр ва табақалаштирилган таълим бериш давридир.

Шундай қилиб, мактабда табақалаштирилган таълимни ташкил этиш муаммолари босқичма-босқич ҳал этиб борилса, ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялашга эришиш мумкин бўлади.

**Гулнора АМИРОВА,**
**ЎзПФИТИ илмий ходими.**

*Маданият янгиликлари*

## Оҳанглар янги бинода янграйди

Янги йилнинг дастлабки кунларида Ўзбекистон булбули Таваккал Қодиров номи билан аталувчи Фарғона санъат коллежининг оригинал меъморий ечим асосида бунёд этилган беш қаватли биноси фойдаланишга топширилди. Янги бино гўё қанотини ёйиб, майин оҳангга сармаст бўлган оққуш тимсолига ўхшайди. Энди бу бинода санъатимизнинг бўлғуси юлдузларини тарбиялаш, санъатнинг муқаддас сирларига ошно этиш учун барча қулайликлар, имкониятлар яратилган. Кенг, ҳашаматли залда дунё миқёсидаги концертлар, саҳна асарларини намойиш этиш мумкин. Таълим бериш соҳалари ҳам иккитага ортди: қўғирчоқ ҳамда рус драма театрлари учун актёрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

**Набижон СОБИР,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Меҳрга ундовчи саҳна асари

Яқинда Муқимий номидаги мусиқали драма театрида "Додагинам" деб номланган янги спектаклнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Драматург Набижон Ҳошимов қаламига мансуб ушбу асарда бир оила аъзолари ўртасидаги воқеалар баён этилган. Унда хусусан, айрим одамлар орасидаги меҳр-оқибатнинг сусайиб бораётганлиги, инсоний фазилатлар танқислиги ҳажвий йўсинда ижро этилади. Спектаклнинг қисқача мазмуни шундайки, оила бошлиғи — Отанинг бир қанча фарзандлари бор: ҳаммаси уйли-жойли бўлиб кетишган. Ота бир куни уларни йўқлаб борса, ўғилу келинлар у кишини турли баҳоналар билан изига қайтишга мажбур қилишади ва шундан... воқеалар ривожлана боради.

Спектаклдаги образларни Ўзбекистон халқ артисти Суръат Пўлатов ва театрнинг бошқа бир қатор актёрлари маҳорат билан талқин этишган.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Долзарб мавзу*



# Сувга мурувват керак

*Кўп қаватли уйдаги қўшни холани кўргани кириб, доим тушкин кайфиятда қайтиб чиқаман. Чунки уларнинг ошхонасидаги жўмракдан совуқ сув бетўхтов оқиб ётади. Бу ҳақда айтсам «тузатсак, яна бузилаверади, ўлгур», дейишади ўзларини оқлаб...*

*Инсон туғилиши билан уни сув билан поклайдилар. Бутун ҳаёт сув билан обод. Ризқ-насибамиз сув билан яратилади. Ҳатто қушлару жониворларнинг тириклиги ҳам сув билан...*

Шундай экан, биз инсонлар нега сувни исроф қиламиз? Ариқларни тоза тутмаймиз. Қўлимизга тушган-ки нарсани оқиб турган сувга ирғитамиз. Қани айтинг, сув бўлмаса бирон кун яшай оламизми?!

Бугун шаҳарларда бир кунда бир кишига 400-500 литр сув сарф бўлаяпти. Энди бу рақамни республикамиздаги 25 миллион аҳолига кўпайтиринг. Ва, беҳуда оққан сувларнинг уволини ўйланг. Қанчалар гуноҳга ботаяпмиз-а?!

Бир дона ўрик пишиб етилишига 5 литр сув кетаркан. Бир тупда неча дона ўрик бўлишини санай оласизми? Бир гектарлик боғда-чи?! Пахтазорларга, ғаллазорларга қанча сув керак...

Ҳадисларда «Нимaники хор қилсанг — шунга зор бўласан», деган гаплар бор. Беҳудага айтилмаган бу гаплар. Хўш, нега биз — энг ақлли зот бўлган одамлар тоза сувни беҳуда оқизиб, томошабин бўлаяпмиз? Нега каналларга, дарёлар ва анҳорларга ахлат ташлаб, сув миқдорининг камайиб ё ифлосланиб кетишига сабабчи бўлаяпмиз?

Шаҳарлардаги ўнлаб идораларда, олий ўқув юртлари ёхуд мактабларда сув қувурларининг мурвати йўқ. Ҳар куни минг-минг литр сув оқиб кетса-кетсин, лекин эртанги кунни ўйлаб, кранларга мурват ўрнатишни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Ҳатто қишлоқларда ҳам онда-сонда учрайдиган кранларнинг мурвати йўқ. Мисол учун Қува туманининг Шокирхон Ҳакимий ва Қайқубод кўчаларидаги кранлардан кеча-кундуз тоза сув оқиб, ариқлардаги балчиққа қоришиб ётади... Сув «Мен инсонни, ер юзини поклайман. Мени ким поклайди», деб йиғлаяпти, гўё.

«Сувга тупурма!» деб ўргатган момоларимиз. Ҳозир бу ўгитни ҳеч ким ўз фарзандларига, набираларига ўргатмаяпти, шекилли. Болалар, ёшлар, келинлар сувни истаганча исроф ва ифлос қилишаяпти. Кўп қаватли уйларга, шундоққина ёнларига олиб чиқиб берилган беминнат сувнинг қадрига етишмаяпти. Ваҳоланки, аҳоли кўпайиб, сув заҳиралари тобора камайиб бормоқда. Табиат биздан лоқайдлигу бемеҳрлигимиз учун ўч олмоқчидай...

Бундан бор-йўғи чорак аср олдин республикамиздаги сув миқдори ҳар бир кишига 6454 куб метрданга тўғри келаркан. Ҳозир эса бу рақам тенг ярмига камайган. Йиллар ўтиб, нима бўлишини наҳот тасаввур қилмаймиз?!

Биз — инсонлар табиат билан келишиб, табиатни севиб, сувнинг ҳар бир томчисини эъзозлаб яшамасак ўзимизга, келажак авлодларимизга жабр қилиб қўямиз. Сувни увол қилиш, уволни менсимаслик — гуноҳи азим. Демак, сув ўлчагичларни ўрнатишни имкон қадар тезлатиш зарур!

Кўп вилоятларда, айниқса қишлоқларда аҳолини тоза сув билан таъминлаш масаласи қийин муаммолардан бирига айланган. Электр ёниб турса ер ости қудуқларидан сув тортиб олинади ва ёнилғи бўлса тракторлар ҳаракатга келиб, ўша сувни аҳолига етказиб беради. Афсуски ёнилғи етишмай, тракторларга эҳтиёт қисм топилмай қолган вақтлар кўп бўлади.

Қишлоқ болаларининг, айниқса боғча, мактаб болаларининг қандай сув ичишаётгани ҳеч кимни ташвишга солмайди. Сувнинг покланишига аҳамият берилмас экан, турли касалликларнинг олдини олиш қийинлашади, албатта!

Ҳар биримиз қалбимизда, фарзандлар онг-шуурида сувга ҳурмат, сувнинг томчисини ҳам эҳтиётлашга, поклашга эътиборни тарбиялаб боришимиз зарур. Сувга мурувват кўрсатиш қўлимиздан келсин, келади ҳам! Сув — ҳаёт эканлигини унутган — ўзини, ўзлигини унутган бўлади.

**Санъат МАҲМУДОВА.**



## Саводхонлар байрами

*Пойтахтимиздаги 526-боғча-мактабда бўлиб ўтган «Саводхонлар байрами»да тарбияланувчилар ёдлаган шеър ва ашулаларни айтиб, мураббийлари, ота-оналарини хушнуд этишди.*

*— Болаларга таълим бериш, ўқиш-ёзишни ўргатиш бошланғич синф ўқитувчисидан катта педагогик маҳоратни талаб этади, — дейди боғча-мактаб директори Диловар Исҳоқова. — Ота-оналар фарзандларини бизга ишониб топширишади. Биз эса бу ишончни оқлашимиз керак.*



*Дарҳақиқат, шу куни боғча-мактаб болажонлари ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этдилар.*

**СУРАТЛАРДА: «Саводхонлар байрами» тантаналаридан лавҳалар.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**


D·AMPS GSM
UZDUNROBITA
first cellular

155000 дан ЗИЁД АБОНЕНТЛАР ТАНЛОВИ!




"Уздунробита" - Саноат ҳамжиҳатлиги ассоциациясининг "Наполеон медали" фахрий мукофотининг соврindори, Франция, Париж декабрь, 2003 йил.

ТОШКЕНТДАГИ СЕРВИС МАРКАЗИ МАНЗИЛИ: УСМОН ЮСУПОВ КЎЧАСИ, 16-УЙ ("ЛАБЗАК")
130 09 09, 131 09 09, 103 09 09
"УЗДУНРОБИТА" ҚК ТЕЛЕФОНЛАРИДАН - 611
WWW.UZDUNROBITA.UZ

КОМПАНИЯНИНГ ВИЛОЯТЛАРДАГИ БЎЛИМЛАРИ:
АНДИЖОН: (2)290909; БУХОРО: (22)70909; ЖИЗЗАХ: (22)79909; НУКУС: (22) 10909; ҚАРШИ: (22)90909; САМАРҚАНД: (2)380909; НАВОИЙ: (22)80909; НАМАНГАН: (2) 120909; ТЕРМИЗ: (22)29909; ГУЛИСТОН: (2)240909; ФАРҒОНА: (2)2 10909; УРГАНЧ: (22) 16309; ОЛМАЛИҚ: (6 1)60909; БЕКОБОД: (9 1)23456; ДЕНОВ: (4 1) 19909; ЧИРЧИҚ: (7 1)69909; ЯНГИЙЎЛ: (60)40909; ШАҲРИСАБЗ: (22)2 1900; ҚЎҚОН: (55)70909;
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН

GSM
UZDUNROBITA
first cellular

Ўзбекистонда энг кенг GSM тармоғи




Хизмат кўрсатиш режалари
(нархлар АҚШ $ долларида кўрсатилган ва ҳамма солиқлар киритилган)

| Хизмат кўрсатиш режалари | Абонент тўлови | Эфир вақти (1 дақиқа учун) | | | SMS (1 хабар учун) | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Кирувчи алоқа | | Чиқувчи алоқа | Чиқувчи хабар | | Кирувчи хабар |
| | | Уздунробита уяли телефонларидан | Бошқа телефонлардан | | Маҳаллий | Халқаро | |
| Эксклюзив | 2,0 | Бепул | 0,08 | 0,10 | 0,03* | 0,06** | Бепул |
| Престиж | 85,0 | Бепул | | | Бепул | 0,06** | Бепул |

Эслатма:
* "Плюс" хизмати орқали маълумотлар олиш: баланс, ҳисобдаги маблағ, охирги тўлов - бепул; об-ҳаво, валюта курси ва мунажжимлар башорати ҳақида маълумот олиш - 0,03$. "Плюс" хизматидан фойдаланишда фақат олинган маълумот нархланади.
"Престиж" режаси учун "Плюс" хизматидан фойдаланиш бепул.
** Turkcell компанияси муштарийларига 1 SMS хабар юбориш - 0,12$
Тўловлар ЎзР МБ курси бўйича сўмда амалга оширилади.

ТОШКЕНТДАГИ СЕРВИС МАРКАЗИ МАНЗИЛИ: УСМОН ЮСУПОВ КЎЧАСИ, 16-УЙ ("ЛАБЗАК")
130 09 09, 131 09 09, 103 09 09
"УЗДУНРОБИТА" ҚК ТЕЛЕФОНЛАРИДАН - 611
WWW.UZDUNROBITA.UZ

КОМПАНИЯНИНГ ВИЛОЯТЛАРДАГИ БЎЛИМЛАРИ:
АНДИЖОН: (2)290909; БУХОРО: (22)70909; ЖИЗЗАХ: (22)79909; НУКУС: (22) 10909; ҚАРШИ: (22)90909; САМАРҚАНД: (2)380909; НАВОИЙ: (22)80909; НАМАНГАН: (2) 120909; ТЕРМИЗ: (22)29909; ГУЛИСТОН: (2)240909; ФАРҒОНА: (2)2 10909; УРГАНЧ: (22) 16309; ОЛМАЛИҚ: (6 1)60909; БЕКОБОД: (9 1)23456; ДЕНОВ: (4 1) 19909; ЧИРЧИҚ: (7 1)69909; ЯНГИЙЎЛ: (60)40909; ШАҲРИСАБЗ: (22)2 1900; ҚЎҚОН: (55)70909;
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН

